

13\_21246/2000 - СОН  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“05”01. 2022йил

Дустлик ш.

“Узбектелеком” акциядорлик компанияси (кейнги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 йилда берилган № 21-01-14/6028-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Дустлик ТБ директор Н.Эралиев (кейнги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Дустлик тумани ХТБ номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи З.Ортикова (кейнги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейнги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўнидагилар хакида Абонент шартномасини (кейнги ўринларда – Шартномас) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномаси имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Узбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейнги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартномаси тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларни сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномаси имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракаминни беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномаси имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномаси имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартномаси амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ**

3.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда “Томонлар” коррупцияга қарши курашиш бўйича коидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномаси амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килишада, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.

3.2. “Томонлар” коррупцияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб килиш хукукига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

3.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномаси бекор килиш хукукига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиши мумкин.

3.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномаси бир томонлама бекор килиш талаб килган томонга етказилган заарларни қоплаш конунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор килиниши оқибатида кўрилган зарарлар коплашни талаб килишига хакли эмас.

**4.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

4.1. Мазкур Шартномаси бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

4.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартномаси асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик хисоб 100 (бир юз) фойз микдорида олдиндан тўланади.

4.2. Тарифлар Абонент билан Шартномаси тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартномаси тузилган вактда белгиланган барча солисклар ва йигимларни ўз ичига олади.

4.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент талови биринчи ёйда ушбу Шартномаси тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

4.3.1. Илк бор уланишда Абонент талови 100 (бир юз) фойз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

4.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.**

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни хисобга олган холда) 135000 (Бир юз ўттиз беш минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 114750 (Бир юз ўн тўрт минг етти юз эллик) сўм микдоридаги Абонент тўловини ўз ичига олади.

4.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

4.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

4.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

4.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

4.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактнча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

4.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартномаси бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ой учун умумий миқдори кўрсатилади.

4.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

4.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартиба, Абонентнинг Шахсий (Электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

##### 5. Томонлар жавобгарлиги

5.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари хамда Офертада назарда тутилган тартиба ва миқдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

##### 6. Низоларни ҳал килиши тартиби

6.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риою килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

6.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Жиззах туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

##### 7. Алоҳида шартлар

7.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартибига солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

7.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

7.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

##### 8. Якуний коидалар

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 марта қадар амал килади. Агар Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти) бўлган Абонентга татбиқ этилмайди, шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор килинишини ўзлон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

8.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килади.

8.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул қилганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

8.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида ўзлон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

8.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошча ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

8.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакиқий хисобланади.

8.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

9. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p><b>Оператор»</b> “Узбектелеком”АК Жиззах филиали Дустлик ТБ</p> <p>Манзил: Дустлик шаҳри Чинобод маҳ. Муст-илик -8 уй Тел: Факс:(72)335-40-07 Х/р: 20210000204074838424 Тошкент шаҳар Алока банк АТ МФО: 00401 СТИР: 203 366 731 ОҚЭД: 61100 Корпоратив мисқонлар, бундан ишлаш булими телефон рақами Тел: 72(335-40-07)</p> <p>Эл.Почта: dms@jizzaxtelecom.uz Дустлик ТБ директор TELESKOMMUNIKATSIVIA M.POU'LLAMI</p> 	<p><b>Дустлик тумани ХТБ</b></p> <p>Манзил: У.Носир кўчаси 15 уй Тел: Факс: 72.335-46-92 Х/р: 100022860082157096100075006 Банк номи : Марказий банк МФО: 00014 СТИР: 200999841 ОҚЭД: _____</p> <p><b>Контактные телефоны</b> Тел: 72.335-46-92</p> <p>Эл.Почта: _____ Дустлик хтб мудири</p> 
	3.Ортикова